

Зиё ташмаси

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 1 (221) 2014 YIL, YANVAR ISSN-2010-9393 1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN



Хурматли институтимиз профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва аъзо талаба ёшлар! Сизларни 2014 йил билан ён ярақдан муборакбод этиб, янги йилда оиланинг тинчлик-омонлик, мустаҳкам соғлиқ, ўқиш ва ишларининг каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз. Янги йил бағрамизга қувонч ва шодлик олиб келсин.

Янги йил оқшомидagi ўйлар

Биз бир дам меҳмонмиз боқий дунёда,
Умр мангуликни қилмагай даъво.
Хар гал янги йилни кутган аснода,
Қисқа умримизга тилаймиз маъно.

Янги йил оқшоми...
Орзулар қат-қат,
Янги орзуларга қанот тилаймиз.
Янги йилдан кутиб янги бахт, омад,
Фовлардан ўтишга нажот тилаймиз.

Бизга не келтирур, ҳали муаммо,
Аммо кутиб келур биздан илтифот.
Биз ундан кутамиз умрга маъно,
У биздан кутади мазмунли ҳаёт.

Омухта бўлса гар мардлик ва ҳиммат,
Вафо билан севги юрса эгизак.

Дилларда жўш урса меҳр, саховат,
Янги йил умрига бўлади безак.

Қалқиган дунёнинг оромин сақлаб,
Разолат томирин мангуга кессак.
Гўдак янги йилнинг умидин оқлаб,
Ҳам ўз умримизга берурмиз безак.

Мардлик муносибдир мард замонага,
Меҳмоннинг кўлига боқмас мард инсон.
Кутар чақалоқдай йил остонада,
Уни безатишни ўйлайлик бу он!

Бу боқий дунёда биз гарчи меҳмон,
Янги йиллар учун мезбонмиз, мезбон...

**Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири.**

ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси

Ҳаммамизга аёнки, обод турмуш-ни ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлмиш муҳтарама аёлларимизнинг оила ва жамиятдаги фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

И. А. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан 19 декабрь куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида "Хотин-қизлар кўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти" кўрик-танлови ўтказилди. Танловда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этиб, нутқ сўзлади. У ўз нутқида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг аёллар масалаларини ҳал этиш, хотин-қизларнинг бахтли ва фаровон ҳаётини, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, иқтисодини қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларни амалга оширишда бошланғич ташкилотлар асосий бўғин эканлигини таъкидлаб ўтди.

Кўрик-танловда Республикаимизнинг 12 вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан вакиллар қатнашдилар. Бизнинг институтимиздан ҳам вакил сифатида танловда иштирок этган бошланғич таълим педагогикаси факультети хотин-қизлар бошланғич ташкилоти етакчиси Фарида Исроилова танловнинг мутлоқ ғолиби бўлди ва I даражали дипломини қўлга киритди.

Институтимиз жамоаси номидан Ф.Исроиловани самимий қўтлаймиз.

2013 йил декабрь ойининг сўнгида Қарши шаҳрида "Юрт келажаги" республика кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари босқичида ғолибликни қўлга киритган иқтидорли ёшлар иштирок этишди.

"Юрт келажаги" танлови ғолиблари

Танловни ташкил этишдан мақсад мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, иқтидор ва истеъдод соҳибларига ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққилларини эгаллашларига кўмак бериш, истеъдод ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришдан иборат. Мамлакатимизда ёш истеъдод эгалларини кашф этиш, уларга ўз қобилиятини намоён этиши учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бериш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири саналади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 4 мартда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури"га мувофиқ ташкил этилаётган "Юрт келажаги" республика кўрик-танлови ҳам ёш истеъдод эгалларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган йирик лойиҳалардан биридир.

Танлов 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида 4 та номинация ("Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари", "Радионализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар", "Аънавий ва амалий санъат", "Адабиёт ва публицистика") ва 15 та йўналишда ўтказилди.

Танловнинг туман, шаҳар ва ҳудудий босқичларида 84 мингдан зиёд ёшлар фаол иштирок этишди. Танловнинг республика босқичида қатнашиш учун Қарши шаҳрига келган иштирокчилар икки кун давомида шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлишди. Танловнинг якунида республика босқичи ғолиблари эълон қилиниб, тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра институтимиз талабаларидан 2 нафари: назм йўналиши бўйича Моҳинур Исмоилова ва публицистика йўналиши бўйича Азиза Ахмедова ғолибликни қўлга киритиб қайтишди.

—Танлов баҳс-мунозараларга бой ва сермазмун ўтди, дейди танлов ғолиби Моҳинур Исмоилова биз билан суҳбатда.



14 январь — Ватан
ҳимоячилари кун

Ҳарбийлар беллашганда

Мана, 22 йилдирки ҳар йили 14 январь Республикада «Ватан ҳимоячилари кун» сифатида нишонлаб келинади. Институтимизда ҳам бу кунни катта байрам сифатида нишонлаш, турли беллашувлар, мусобақалар ва тадбирлар ташкил этиш аънаёнага айланган. Бу йил ҳам муҳим ҳарбий хизматни ўтаб, тўлов-шартнома асосида институтда тахсил олаётган талаба-ёшлар ўртасида «Ҳарбийлар беллашганда» деб номланган спорт мусобақалари ўтказилди.

Тадбирда институт маънавий-маърифий ишлари бўйича проректори А. Тангиров, академик лицей ва касб-хунар коллежлар билан ишлаш бўйича проректор А. Пардаев, Жиззах ҳарбий горнизони офицер ва аскарлари, шунингдек, факультет декан-

лари иштирок этдилар. Тадбирни маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор А. Тангиров кириш сўзи билан очиб берди. У ҳарбий хизматчиларни байрам билан қутлар экан, «Муҳтарам Юртбошимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213 сонли қарори мамлакатимизда ёшларга давлат сиёсати даражасида берилган эътиборнинг яна бир кўринишидир» дея таъкидлади.



Сўнгра институт хотин-қизлар кўмитаси раиси З. Узоқова сўзга чиқиб, истиқлол йилларида миллий армиямиз обрў-эътибори, нуфузини оширишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар олиб борилганлиги ва уларнинг самараси, муҳим ҳарбий хизмат ёшларнинг муқаддас бурчига айланганлиги, Куролли Кучларимизда интеллектуал салоҳияти юқори бўлган офицерлар шакл-

ланганлигини, юқори малакали сержантлар тайёрлаш ишларининг йўлга қўйилганлиги ва ҳарбийларга яратиб берилган шарт-шароитлар тўғрисида тўхталди.

Шундан сўнг институт факультетларидан таркиб топган муҳим ҳарбий хизматни ўтаб, талабаларга қабул қилинган жамоалар ўртасида спортнинг 3 тури: «Арқон тортиш», «Эстафетали югуриш», «Турникка тортиш» бўйича спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Тадбир якунида ғолиб жамоалар ва фаол иштирокчилар фахрий ёрлик ва эсталик совғалари билан тақдирланишди.

Илҳом МУХТОРОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Суратда: мусобақадан лавҳалар.



Адабиётнинг таълим-тарбиявий аҳамияти талабаларнинг китобхонлик маданиятини эгаллаб боришида, бадиий асарни ифодали ўқиш санъатини ўзлаштиришда, талабаларда мустақил фикрлаш, ижод этиш кўникмасини ривожлантириб боришда намоён бўлади. Бизга маълумки, адабиёт талабаларни нафосат оламига олиб киради, уларнинг маънавий-ахлоқий ривожига, бадиий диди ва дунёқарашига, ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлиб шаклланишига таъсир кўрсатар экан, адабиёт дарсларини ДТС даражасида ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун эса адабиёт дарсларида интерфаол методлар ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига тўғри тадбиқ этмок лозим бўлади.

Адабий таълимни ташкил этиш, касб-хунар коллеж шаклланишига таъминлаш адабиёт фани асосларини ўзлаштиришда самарадорликка эришиш, шунингдек, уларда бадиий тафаккурни шакллантиришда янги педагогик технологияларнинг муҳим ўрин тутуши амалиётда ўз исботини топмоқда. Зеро, педагогик технологиялар ўқувчиларни муайян бадиий асарда илғари сурилган ғоялар маънавияти бўйича мустақил фикр юритиш, сюжетлар тизими асосида муаллиф томонидан тақлиф этилаётган ечимнинг мазмунини таҳлил этиш, бадиий талқинда ифода этилган ижтимоий муносабатлар жараёнида билвосита иштирок этиш асосида мустақил ҳаётга тайёрланиш имконини беради. Ҳар қандай асарнинг бадиий таҳлили энг замонавий технология ва усулларга таянса, шунингдек, педагогик жараёндаги барча қатнашчиларнинг тўла фаоллиги таъминлансагина тегишли самара беради.

Шу ўринда талабаларнинг пассив тингловчи даражасида қолиб кетмаслиги, балки уларнинг фаол, ўз нуқтаи назари ва шахсий фикрига эга бўлган китобхон-

даражасига кўтариш заруриятини таъкидлаш жоиз. Бу биринчи навбатда ўқитувчининг китобхонлик маданияти билан боғлиқ. Китобхон ўқувчиларни тарбиялаш ва яна ўқитувчи шахси, унинг шахсий тажрибаси, ўқувчи, ижодкорлигига чамбарчас алоқадордир. Демак ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигини реал ҳаёт, таълим жара-

Таълим жараёнида янги педагогик технологиянинг «Кластер», «Инсерт», «Синквейн», «Муаммоли дарс», «Саҳналаштирилган дарс», «БББ», «Конференция дарси», «Мушоира дарс», «Ролли ўйин», «Мунозара» ва ҳоказо интерфаол усуллардан ўрни билан фойдаланиш яхши самара беради. Бу технологиялардан

Адабиёт дарслари самарадорлигини оширишда педагогик технологияларнинг ўрни

Бугунги кун ўқитувчиси ҳақида мулоҳазалар

ёнининг ўзи ҳам такозо этади.

Кейинги пайтда таълим тизимларига илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг инновацион усуллари шиддат билан кириб келмоқда. Лекин улардан ўрни билан фойдалангандагина кўзланган натижага эришиш мумкин. Республикаимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида олиб борилаётган ишларнинг барчаси талабаларнинг билим ва кўникмаларини, маданий савиясини оширишга, ижодий ишлашга ва изланишга мустақил ва реал фикрлашга қаратилган. Бу борада олиб борилиши керак бўлган мажбуриятларнинг барчаси ўқитувчидан чуқур билим эгаллаган бўлиши, ўз фанининг устаси эканлигини намоён этишни, илғор педагогик технологияларни эгаллаган бўлиши талаб қилади.


ўрни билан фойдаланиш зарур. Масалан, «Кластер» усулидан янги мавзун бошладан олдин ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиш учун ёки ўтилган мавзун мусатаҳкамлаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Демак, «Кластер» усули талабаларни мустақил эркин фикрлашга, «Ақлий ҳужум», мушоҳада қилишга, ижодкорликка, тасаввур қилишга, мустақил амалий топшириқларни эркин бажара олишга ундайди ёки «Ролли ўйинлар» методи асосида талабалар ўзлари учун нотаниш бўлган турли характерли инсон образига қалбдан кириб борадилар.

Умуман олганда, бир дарсни ўзида бир неча усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан «Саҳналаштирилган дарс»-да ақлий ҳужум, интерфаол, кластер, ахборот технологиялари кабиларни

Сиз билан фахрланамиз!

ВАТАН. Бу ҳар бир инсоннинг киндик қони тўқилган маскан. Шундай экан, Ватаннинг ҳар бир қарич ерини ҳимоя қилишимиз, кўз қорачигидек асраб авайлашимиз фарз-у, қарзидир. Бизнинг тинчлигимиз, осуда ҳаёт кечиришимизда Ватан посбонларининг ўрни беқиёс. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йилдан 14 январни «Ватан ҳимоячилари кун» деб эълон қилиниши бежиз эмас.



Давлатимиз мустақилликка эришгач, ўтган шу қисқа фурсат ичида миллий армиямиз профессионал даражада шакллантирилди, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги оширилди. Муҳтарам юртбошимиз, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислоҳ Каримовнинг раҳнамолигида миллий армиямизга катта эътибор қаратилиб, ҳарбий хизматчиларнинг ўз иқтидори ва истеъдодларини намоён қилишлари учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу эса ўз навбатида ўсиб келаётган ёш авлодининг Куролли Кучлар сафида хизмат қилишга бўлган иштиёқини янада оширмоқда. Юртимиз посбонлари Вата-

нимизнинг ҳар бир қарич ерини асраб, ҳимоя қилиб, чегарамиз мустаҳкамлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашмоқда. Биз, албатта, улар билан фахрланамиз.

14 январь «Ватан ҳимоячилари кун» билан барча Ватан посбонларини, ҳарбий хизматчиларни чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Уларга иш ва шахсий турмушларида балан марралар, омад ва зафарлар ҳамisha хамроҳ бўлсин. Байрам муборак, ўзбек ўғлонлари!

Миржалол Тўрабеков,
Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ
таълими йўналиши
талабаси.

қўллаш мумкин.

Ҳозирги кунда ўқув машғулотларида мунозара дарсларини ташкил этиш, яъни ўқувчининг ўқитувчи билан дарсада баробар фаол қатнашишида савол-топшириқларнинг аҳамияти каттадир. Яъни, асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини очиш орқали ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш керак.

Савол-топшириқларни мазмун моҳиятига кўра куйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

—асар қаҳрамонлари характерини аниқлашга оид савол-топшириқлар;

—асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини ўрганишга оид савол-топшириқлар;

—ўқувчилар ижодий тафаккурини, нутқини ўстиришга қаратилган савол-топшириқлар.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кун ўқитувчиси XXI аср киёфасини ўзида тўла шакллантирган, янги педагогик технологиялар устаси, ўз соҳасининг эҳсон, балки фанлараро боғлашни таъминлаш учун бутун бир соҳанинг билимдон эгаси, нутқи равон, гўзал адабий тилда сўзловчи, сўзи билан амали бир, жамиятда баркамол, эътиқоди бут, маънавий мафқураси, фикри ва зикри соғлом, баркамол фарзандларни тарбияловчи мукамил инсон бўлмоғи лозим.

Адабиёт таълими самарадорлигини ошириш, ўқитишга янгича ёндашиш, педагогик жараённинг эскириб қолган технологиясини янгисига алмаштириш, бир қанча педагогик технология усулларини тадбиқ этиб бориш асосий вазифалардан бирига айланиши керак.

Санобар БОЛБЕКОВА,
Қорасоч АХМУРОВА.
Жиззах тиббиёт коллежи
ўқитувчилари.

Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги олдидан

● Инсон азиз, хотираси муқаддасдир! ●

Замон узра барҳаёт шоир



Адабиётимизда не-не даҳо инсонлар ўтмади дейсиз. Мана шундай эл ардоғидаги улуғлардан бири, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфдир.

Бу йил устозимиз Муҳаммад Юсуф ҳаёт бўлганида кутлуғ 60 ёшни қарши олган бўларди. У

ўзининг "Марҳаматдан Эллиқалъагача" бўлган 47 йиллик умри давомида эл-у юрт хизмати учун борлигини бағишлаб, халқона самимият ва беғубор туйғуларнинг содиқ куйчиси бўлиб қолди. "Шоир замондошлар хотирасида" туркумида Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева шундай ёзган эди: Сўзни ардоқлаб, Ватани бошига кўтарган шоирлар кўп, лекин ҳеч ким Муҳаммаддек "Римни алишмасан бедапоянга" дея айтмаган эди.

Муҳаммад Юсуфнинг ижодий меросига назар солар эканмиз, шеърларидаги боладай соддалик, беғуборлик, ўзбекона самимият ва фақат Муҳаммад Юсуфгагина ҳос бўлган буюк тантиликни кўрамай. У қисқагина умри давомида юзлаб шеърлари билан ҳар бир ўзбекнинг юраги-

га кириб бора олди. "Қора кўёш", "Кўҳна кудук", "Осмоннинг охири" дostonларида халқнинг орзу-армонларини баралла куйлади. Том маънода унингчалик ҳеч бир шоир қалб шевасида ёзолмаган эди. Эҳтимол шунинг учун шоир вафот этганда бутун ўзбек халқи мотам тутди, эҳтимол шунинг учун унинг шеърлари ҳамон ҳар бир даврада ёддан ўқилади.

2013 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги ПҚ-2102 сонли қарори эълон қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Республика-мизнинг барча нуқталарида байрам тадбирлари ва адабий-ижодий учрашувлар ўтказилмоқда.

Хусусан, бизнинг институти-мизда ҳам 25 январь куни Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Саъдулла Ҳаким, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шодмонкул Салом, вилоят ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Туроб Мақсуд, шунингдек, институти-миз ректори, профессор О. Дўсматов, маънавий-маърифий ишлар проректори А.Тангиоров ва бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этишди.

Тадбирни институт ректори О.Дўсматов очиб берди. Сўнгра учрашув меҳмонлари Саъдулла Ҳаким, Шодмонкул Салом, Туроб Мақсуд каби ижодкорлар

Муҳаммад Юсуф билан боғлиқ хотираларини айтиб беришди. Шоир Шодмонкул Салом Муҳаммад Юсуф ижодига тўхталар экан, унинг камдан-кам туғиладиган буюк истеъдод эгаси бўлиш билан бирга камдан-кам шоирда учрайдиган ҳислат соҳиби – шуҳратдан қочадиган камсуқум инсон эди, дея эътироф этди. Шундан сўнг адабий кечанинг бадиий қисмига навбат берилди. Бунда Ўзбек тили ва адабиёти факультети ва мусикий таълим йўналиши талабаларининг чиқишлари намойиш этилди. Шоирнинг шеърларидан намуналар ўқилиб, унинг шеърлари асосида яратилган кўшиқлар куйланди. Тадбир мароқли ва кўтаринки руҳда якунланди. Ўзбек деган халқ бор экан, Муҳаммад Юсуф сиймоси ҳеч қачон унутилмайди.

Б.ҚУДРАТОВ,
Институт маънавият-маърифат бўлими услубчиси.

Барчамизга маълумки, 1992 йил 22 январда республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилган эди. Мана, бу йил Марказ фаолиятига 22 йил тўлди. Бу кунни Республика-мизда ўзаро аҳил-иноқ бўлиб яшаётган 150 га яқин миллат ва элат вакиллари бирдек нишонлашмоқда. Шундай кутлуғ байрам арафасида ёш қаламкаш Орифжон Одилов турли миллат ва дин вакилларининг ўзаро дўстлиги куйланган "Бургутнинг сўнги нидоси" номли ҳикоясини ёзибди. Ушбу ҳикояни Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказининг 22 йиллигига бағишлаб эълон қилмоқдамиз.

Бургутнинг сўнги нидоси

"Сизларга уруш қилмаган ўзга дин вакиллари билан дўстона муносабатда бўлинг"

(Ҳадиси шарифдан)

Кунлардан бир кун уй архивимиздаги эски қоғозларни саралаб ўтириб, бир елим халтачага кўзим тушди. Ичинини очиб кўрдим: уй ҳужжатларимизнинг бир туркуми солинган экан. Халтадаги эски-туски, айримлари титилиб кетган қоғозларни бирма-бир назардан ўтказиб туриб, қизғишранг, ихчамгина бир дафтарча эътиборимни тортди. Бу ерда уйимизнинг қурилиши тарҳи, ҳар биримизнинг туғилиш гувоҳнома-ларимиз, неча йиллар аввал тушилган бобомнинг суратларию, дадам ҳарбийдан юборган мактублар, боринг-ки, оиламизга оид жамийки ўтмиш бўлақчалари сақланар эди. Шу сабаб бу мўъжаз хона болалигимдан менинг энг севимли маконим бўлган. Бу ердаги ҳар бир буюм, ҳужжату суратлар менга жуда яхши таниш. Илло, ҳозиргина топиб олган сирли дафтарча менда катта қизиқиш уйғотди. Дастлабки саҳифаларини сабрсизлик билан ўқиб чиқар эканман, бу дафтар кундалик эканлиги маълум бўлди. Аниқроғи Майиз отамнинг кундалиги эди...

Биласизми, баъзан хотираларга ҳам берилиб туриш керак. Ҳар ҳолда инсоннинг ўз ўтмиши бўлади. Улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг шундай бир таъбири бор: "Мозий билан иш кўрмоқ - ҳайрликдир". Майиз отамнинг кундалигини варақлар эканман, хотираларим қатларида олис болалигим жонгана бошлади...

Ёшлигимизда бир кеча украин кўшнимиз бўларди. Жуда кўнгличан, мулоийим чол эди. Болаларни, хусусан, мени худди ўз набирасидек яхши кўрарди. Билмадим, адолатимасан тўрт-беш ёшларда эдим, чамаси. Майиз ота (биз уни шундай чакирардик. Бу ном гўдак шууримизда "самимий, юмшоқ кўнгли" маъноларини англатган бўлса, ажаб эмас. Кейинчалик билишимизча асл исми Афанасий Тихонович экан)га девор-дармиён кўшни бўлганимиз сабабли бу кеча чолнинг уйига кўп кирардим. Кўчада болалар билан ўйнашдан ҳам кўра кўпроқ шу русийзабон киши-

нинг уйи менга қизиқарлироқ эди. Ҳар гал кирсам қувониб қўтиб олар, славян халқ эртақларидан айтиб берарди. Менда айниқса уй шифтига ўрнатилган қандил катта қизиқиш уйғотар эди. Қандил мунчоқлари гўё конфет шодасидек туюларди. Мен унга кўзим тушиши билан "Бобо, конфет" дея гашлик қилардим. Шунда у қандилга қўл чўзарди-ю, қўлида албатта бир неча конфет тутарди. Кунлардан бир кун мени Майиз отамдан айрилдим. У киши 79 ёшида, Ватанидан йироқда, ёлғизликда вафот этди. Қўлимда турган кундалик болалик хотираларимда ўчмас из қолдирган ажойиб инсон, буюк қалб эгаси Майиз отамнинг кундалиги экан. Катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ва бу кўлёмани албатта одамларга етказиш керак, деган фикрга келдим.

Азиз, ўқувчи! Мен кўлёмани кундаликни айнан келтираман. Ишончим комилки, дунёдаги барча инсон фарзандларини аслида бир қадрият бирлаштириб туришига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Биров кундалик ёза бошлаганимни эшитса устимдан қулиши аниқ! Рост-да, саксон билан "сўзлашган" чолга кундаликни ким қўйибди? Шунақа-ку, гоҳо ўзгаларга айтолмаган гапларингни ўзининг айта оласан. Қандай қилиб дейсизми, бунинг йўллари кўп. Масалан кундалик...

1994 йил. 15-ноябрь. Сешанба.
Бугун яна бод касалим безовта қилди. Ўтган куни Қодиржонга айтган эдим. Барака топкур, бир шифокор танишим бор, деб кўярда-қўймай олиб борди. Доктор бир қанча текширувлардан кейин муолажа ёзди. Шу кўшним жуда яхши одамда. Ўз отасидек кўради, эшитган одам ишонмайди: дин бошқа, миллат бошқа! Бир сафар гап орасида шундай десам, бунақа деманг, хафа бўламан, дейди. Қарашлари ҳам ўзгача. -Афанасий Тихонович, миллат бошқа дейсиз! Лекин, унутмангки, ҳаммамиз бир Одам алайхиссаломнинг фарзандларимиз. Динга келсак, насронийлар ва

Ҳикоя



мусулмонлар худди икки туйнукдан тушган нурга ўхшайди. Тўғри, булар иккиси икки туйнукдан тушган. Аммо, юқоридан манбалари битта-ку, деди.

1994 йил. 2-декабрь. Жума.
Бугун эрта тонгдан черковга бордим. У ердан қабристонга. Негадир қабристонга борсам қандайдир осойиш тортиб қоламан. Бу ерда мени биродарларим ётибди...

Уйга келсам кўчада кўшнимнинг ўғли Собиржон ўйнаб юрибди. Жуда шўхки, югуриб келди. Чўнтагимдан икки дона конфет олиб бердим. Кечга яқин уйга чопқилаб кирди. Ҳар доимгидек қандилдан конфет талаб қилади. Митти шаҳаншоҳ! "Кўп конфет емагин, қара, менга ўхшаб тишсиз қоласан. Менга тишларингдан берасанми", — десам чучук тил билан "ойинг, чижга хаммачи" дейди. Жуда ширинда...

1994 йил. 14-декабрь. Чоршанба.
Биласизми, эртага мусулмонларда катта байрам, Хайит. Ҳар сафар хайитдан бир кун олдин кўшнилари менга ош чиқаради. Билмадим-у, негадир хаммалари шу кун ош қилишади. Урф-одатлари шунақа. Тавба, ўзбеклар ҳам қизиқ-да. Одатлари ўзларидай самимий.

1995 йил. 16-январь. Шанба.
Бугун соғлигим бир нави. Аммо, барибир чап оёғимда зирқираш бор. Бот-бот увишиб қоляпти. Доктор касалхонага ётинг дейди. Шунақа-ку, аммо, қандай бўларкин?..

1995 йил. 18-январь. Душанба.
Қодиржон касалхонага ётқизди. Аввалига кўнмаган эдим. Уришиб берди. Шу кўшнимни меҳри бўлақчада. Аёли ҳам, фарзандлари ҳам ўз оила аъзоларидай кўришади. Қодиржон отасидан жуда ёш ажралган экан. Отам оламдан ўтганида беш яшар бола эдим, деб ўзи айтганди. Қандайдир, ҳарбий идорада ишлайди. Билишимча хисобчи бўлиб.

1995 йил. 26-январь. Сешанба.
Бугун Собиржон мени кўргани келди. Жуда соғинган эдим. Дадаси ҳар кун келди-ю, данагидан мағзи ширин дейди-

лар-ку. Жуда топиб айтишган.

1995 йил. 28-январь. Пайшанба.
Қайтадан тиббий текширувлар ўтказишди. Билмадим, натижаларни менга айтишмайди. Доим бир гап: Соғайиб кетасиз! Эсиз, бугун пасха эди. Эшитганмисиз шундай байрамни? Ривоят қилишларича Исроил халқи Мисрдан озод бўлган кунда бу байрам илк бор ўтказилган экан. Шундан бери пасха байрами нишонланиб келинади. Бу байрамнинг ҳам ўзига хос удумлари бор. Сувда қайнатилган тухумлар турли рангларга бўяб чиқилади. Сўнг болажонларга улашилади. Байрамлик сифатида. Афсус, бу йил байрамда уйда бўлмадим. Собиржон ва ўртоқларига пасха тухумларидан улашардим.

1995 йил. 6-февраль. Душанба.
Бугун жудаём ёмон ҳис қиялман ўзимни. Янги тавсия қилинган дорилар менга тўғри келмади, чамаси...

1995 йил. 17 февраль. Жума.
Биламан, умрим якунланиб қолди. Яна шуни ҳам аниқ биламанки, дунёда ўзимдан айтарли из қолдиролмадим. Қодиржоннинг фарзандларига тўй бўлса бошида бўлмоқчи эдим. Тагин билмадим, ноумид шайтон дейдилар. Лекин, ҳар эҳтимолга қарши айрим нарсаларни қоралаб қўяверайинчи. Шу ўйлар исканжасида ҳаёлимдан ўтган баъзи хотираларни ёзиб юрибман. Бу ҳам бир тарихда...

...Мен, Вистроп Афанасий Тихонович, 1916 йилда олис Украинанинг Днепропетровск шаҳрида туғилганман. Ёшлигимни элас-элас эслаймаман. Эсимни таниганимда ҳаёт оғир, биринчи жаҳон уруши оқибатларини тугатиш авж олган давр эди. Кейинчалик колхозлаштириш бўлди. Кўплаб бадавлат помешчикларни йўқ қилишди. Кимлардир Ватанини ташлаб кетдилар, борбудини давлатга топширганлар ҳам бўлди. Она шаҳримда экскаватор ҳайдардим. Ватан учун дейишди, Ватан учун ишладик. Мен ҳам баҳоли қудрат меҳнат қилдим. 1938 йил менинг қисматимни тубдан ўзгартириб юборди. Икки хамкасбим билан тушлик қилиб ўтириб сўхбат мавзумиз янги ишлаб чиқарилаётган тракторларга бориб тақалди. Нима бўлди-ю, мен французлар ишлаб чиқарган бир трактор маркаси афзалликлари ҳақида фрикими айтгандим. Икки кун ўтиб ишлаб турган жойимдан қамокқа олишди. Аввалига англашилмовчилик деб ўйлагандим. Аммо, узоқ суриштирув ва терговлардан кейин халқ душмани деб аталган тамға билан судсиз, гувоҳларсиз 20 йилга озодликдан маҳрум қилдилар. Ўша даврда бутун жаҳмиёт кўрқув исканжасида эди. Бу кўргуликлар нафақат Украинани, балки, бутун Иттифокни ўз исканжасига олган эди. Олти ой ўтиб ҳукмини ўзгартиришди, муддатсиз равишда аввал Донецкка, сўнгра Ўзбекистонга сургун қилиндим. Мен илк бор ўзбек тупроғига қадам босганимда, бундан кейинги ҳаётим кимсасизликда ўтади, деб ўйлагандим. Йўқ, бундай бўлмади. Бугун ҳеч иккиланшсиз айта олмагани, жаҳон халқлари ичида ўзбеклардай бағрикенг ва оққўнғил миллат топилмас керак. Ўзбеклар мени айирмадилар, миллат, дин ажратмадилар. Фамимга ҳам қувончимга ҳам шерик бўлишди.

(Давоми 4-саҳифада)

Шеърнинг гўлмашаи

Муҳаббат

Муҳаббат недур, ҳавоий хислат,
Умидсиз қолган чорасиз ҳолат.
Хурлиқда қамал, қувончда азоб,
Аламда ҳасрат, рўёда сароб.

Баҳорда қиш-у, боғ-роғлар хазон,
Бахтсиз бир йигит, кулфатда жувон.
Бахти йўқ умр, бешафқат замон,
Тилинган юрак, ошиқлар қурбон...

Лочин **ОБЛОКУЛОВ**,
Кимё ўқитиш методикаси
йўналиши талабаси.

“ҚОРБОБОГА КЎНФИРОК”

Алло, алло, Қорбобо!
Сизга савол бор, бобо.
Аёз бобо, жон бобо,
Нега иссиқ об-ҳаво?!

Ахир бугун қиш келди,
Менга “катта иш” келди.
Декабрнинг бошидан,
Юзга жилмайиш келди.

Ўртоғим Рустам айёр!
Иссиқ кийими тайёр.
Чанги яратган, учар,
У ҳам фақат қор қутар.

Алло, алло, Қорбобо!
Яна савол бор, бобо.
Биз кутяпмиз интизор,
Қачон ёғар лайлакқор?!

Ризвонгул **САИДОВА**,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Тўртликлар

Ишқ деди Мажнунга сахронинг хори,
Ишқ деди лолага баҳорнинг қори.
Ишқнинг дард-азоби кўпдан кўп экан,
Ишқ деди Машрабга жаллоднинг дори!

Ашқсиз бўлмас ишқу муҳаббат,
Рашқсиз бўлмас ишқу муҳаббат,
Саҳродаги Мажнуннинг изи,
Нақшсиз бўлмас ишқу муҳаббат.

Ажиб назар эмуш, ул олами ишқ,
Ажиб саҳар эмуш ул олами ишқ.
Ошно этар дилни пок йўлларга у,
Ажиб хабар эмуш ул олами ишқ.

Суруримга сурур қўшдинг, муҳаббат,
Фуруримга фурур қўшдинг, муҳаббат.
Ширин азоб, ширин орзу бахш айлаб,
Хузуримга хузур қўшдинг, муҳаббат.

Муҳаммад **АКАЖОНОВ**,
Истефодаги божхона майори.

Мана, энг шуқуҳли байрамлардан бири Янги йил ҳам кириб келди. Болажонлар учун ҳам, катталар учун ҳам сеvimли эканлиги билан бошқа байрамлардан ажралиб туради. Бундай байрамнинг тарихига ҳамма бирдек қизиқиши табиий, албатта.

Янги йил байрами инсониятнинг энг қадимги байрамларидан бири бўлиб, қадимги Бобил ва Мисрда эрамиздан аввалги 3000 йилда биринчи марта нишонлана бошланган. Гарчи Янги йил саналари маълум цивилизациялар ва маданиятларда турлича нишонланган бўлишига қарамастан байрамнинг туб моҳияти бир хиллигича қолиб келган. Масалан, қадимги Мисрда Янги йил байрами Нил дарёсининг тўлиб тошган даврига, яъни Сентябрь ойига тўғри келган. Мисрликлар учун бу давр деҳқончиликнинг янги даврини бошлаши ҳисобланиб, қуёш худоси Ра шарафига қурбонликлар қилинган. Бизнинг қадимги Урта Осиёда Янги йил зардуштийлик удумларига кўра баҳорнинг дастлабки ойларида нишонланган бўлиб, кўкаламзорликнинг келиши ва табиатнинг уйғониши сифатида нишонланган. Биз ҳозирги кунда нишонлайдиган Наврўз байрамимиз ана шу зардуштийлардан қолган урф-одатларнинг мевасидир.

Тарихда биринчи марта расмий жиҳатдан Янги йил байрами қадимги Рим империясида Юлий Цезарь томонидан эрамиздан аввалги 46 йилда таъсис этилган бўлиб, Янги йил байрами 1 январь деб эълон қилинган. Бу байрамга қадимги Римдаги худолардан бири Жанус худосининг тугилган куни асос қилиб олинган. Унинг юзи икки томонлама бўлиб, бир юзи эски йилга, иккинчи юзи Янги йилга қаратилган деб тасаввур

қилинган. Лекин римликлар календари бўйича Январь ойи ҳозирги дунёда ишлатиладиган Григориан календарининг март ойига тўғри келарди. Рим империясининг кулаши ва христианликнинг кенг тарқалиши билан Янги йил байрамни нишонлаш ҳар бир мамлакатда турлича йўналиш олди. Масалан, Англияда Янги йил апрель ойида нишонланса, Францияда бу сана Пасха байрами ҳафтасининг биринчи кунига тўғри

назарда тутилади. Лекин, бу календар фақатгина Юлий календаридоги хатоликларни тузатиш учунгина тақдим қилинган. Христианларнинг энг асосий байрами 25 декабрлигича қолдирилган. Аста секинлик билан Европада уйғониш даврининг охирига келиб черковдан ажралиш яққол сезила бошлади. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида бутун Европа давлатлари дунёвий давлатларга айлана бошлади. Ундан ташқари Протестантизмнинг кенг миқёсда ёйилиши билан Католик черкови бутунлай назоратни қўлдан чиқариб қўйди. XX асрнинг бошларида Католик черковиға қарама-қарши равишда Исо масиҳнинг туғилган куни бўлмиш (рождество) 25 декабрга рақобатчи байрам сифатида 1 январь, Янги йил байрами пайдо бўлди. Янги йилнинг бизни маданиятимизга кириб келиши чор Россияси билан эмас, балки, Совет Иттифоқи даври билан боғлиқдир. Гарчи 1 январь йилнинг биринчи куни сифатида

1699 йилда Европада хайрихоҳлик муносабатида бўлган Пётр I томонидан тайинланган бўлсада, шўролар даврига келибгина Янги йил оммавий равишда нишонлана бошланди. Ҳозирги кунда 1 январь дунёвий байрам бўлиб, дунёнинг деярли барча мамлакатларида асосий байрам сифатида нишонланади. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, бу кун расман байрам куни деб тан олинди ва 1 январь оилавий байрам, дам олиш куни деб эълон қилинди.

Хаётжон **ЭГАМБЕРДИЕВ**,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Янги йил нега нишонланади?

келади, Хитойликларда 20 январь ва 18 февраль оралиғида ҳар йилги календарнинг ўзгаришига қараб белгиланган. Урта Осиё ва Яқин шарқда бу байрам асосан баҳорда нишонланган бўлиб, кейинчалик Ислоннинг кириб келиши билан кўпчилик халқлар бу байрамни нишонлашдан воз кечишган. Урта Осиё, Эрон ва бошқа Наврўз байрамни нишонловчи халқлар бундан мустасно. Ислон динида ҳам Янги йил мавжуд бўлиб, у 15-16 июль ойларига тўғри келади. Айнан 622 йил 15 ёки 16 июлдан бошлаб мусулмонлар учун ҳижрий йил бошланган ҳисобланади.

1582 йилда Папа Григориан эски Юлий календаридоги хатоларни тузатиш учун янги календарни тақлиф қилади, унга кўра йил боши 25 декабрда эмас, балки, 1 январьда бошланиши

(Авалли 3-саҳифада).

Қолаверса Ўзбекистонда турли сабаблар билан келиб қолган турли миллат вакиллари бор эди. Улардан кўплаб дўстлар орттирдим.

Наманган шаҳридан унча узоқ бўлмаган Задарё деган қишлоқ бор. Ўзбекистонга келгач шу ерга жойлашдим, меҳнат қилдим. Бу ерда ҳам экскаватор ҳайдардим. Ўзимга бириктирилган темир тулпорим билан узоқ йиллар ҳалолдан ризқ топдим. Зовурлар очардик, кўприклар қураддик. Кўп ўтмай уруш бошланиб кетди. Мени идорага қақиртириб “айбингни ювиш учун имконият, урушга бор. Фашистни бошини янчишда ҳиссангни кўш” дейишди. “Айбингдан ҳам ўтамыз, Ватанингга қайтишга рухсат ҳам оласан” дейишди. Фақат бир шарт бор экан: Жанггоҳда менинг ўрним “штрафной батальон”да. Ўзингиз инсоф билан айтингчи, мен қайси Ватанни ҳимоя қилишга ошқай? Ўз айбини аниқ билмаган бир фуқаросини халқ душманига чиқариб, тугилиб ўсган юртидан жудо қилган ватани Ватан дейиш мумкинми?! Таклифларини рад этдим. Мен қарор қилдим: Менинг ҳоким шу тупроқда қолади! Шундан кейин менга ҳатто уйланишни ман қилишди. Мен бир умр ёлғиз, фарзандсиз ўтдим.

Лекин, уруш ортида ўзбек халқи билан елкама-елка туриб меҳнат қилганимдан ҳеч қачон афсус қилмаганман. Задарё тўла ўзлаштирилгач, Наманган шаҳридаги ишларга жалб қилишди. Билсангиз Наманганнинг қок ярмидан Фарғона канали кесиб ўтган. Бу азим канал уруш йилларида бун-

ёд қилинган. Мен ҳам шу канал қурилишида иштирок этганман. Ўшанда ўзбек халқининг қумолидай меҳнатқашлигига таҳсин айтганман. Ҳозир олис хотираларга берилиб ўтирар эканман, барча миллатлар асли бир ота фарзандлари эканлигига юз бор иймон келтирмоқдаман.

уйда бошқа қўшнилари қатори Қодиржон исми бир ўзбек йигити билан танишдим. Ота-бола тутиндик. 4 нафар фарзанди бор. Ҳар куни ишдан қайтгач мен билан гурунглашиб ўтирарди. Узоқ суҳбатлар қураимиз. Яратганга шукрки, энди менинг ҳам ворисим бор.

Бургутнинг сўнги нидоси

80-йиллар охирида СССРда мисли кўрилмаган “зилзила” юз берди. Қарийб 75 йил ҳукмронлик қилган улкан давлатнинг инқирози бошланди. Бошқа иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистон ҳам биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди. Кўп халқларга ўз Ватанларига қайтиш ёки шу давлат фуқаролигини олишни тақлиф қилишди. Мен иккинчисини танладим. Бу ер энди менинг ҳам ватаним...

Меҳнат қаҳрамони сифатида ўзим бунёд этилишида қатнашган Фарғона канали бўйдан менга имтиёзли уй беришди. Шу

Ўзбекларда бир ажойиб одат мавжуд: тўй қилган одам эл-у юртга дастурхон ёзади. Ош беради. Маҳаллада тўй бўлса, ўзбеклар мени асло унутимайди. Худо менга оила насиб қилмади, фарзандсиз ўтдим, демайман. Ўзбекдан оилам, фарзандим, ҳатто, набирам бор. Шукр қилишим керак, балки сўзларим сизга эриш туюлар, Ватан онадек битта бўлади дейишади. Аммо, базан инсонда боқиб олган она, сут берган иккинчи оналар ҳам бўлади-ку. Ўзбекистон том маънода иккинчи онам, иккинчи Ватаним бўлиб қолди. Эрта

бир кун вафот этсам мени эслайдиганим йўқ деб ўқинмайман, бир умр ўзбекдай мунис халқ ичида яшадим. Ўзбекларда эса ўтганларни унутиш деган гап йўқ! Сўзим охирида шунга айтмоқчиманки, мен ҳаёт келиб гарчи Ватанимдан йироқда яшага бўлсамда, ўзбеклар ичида яшаганимдан, улар орасида ўрин топа олганимдан бахтиёрман...

Болалигимда бир афсона эшитгандим: эмишки, умри поёнига етиб қолган бургут пурвиқор қояларга парвоз қилиб, ўтган умрини сарҳисоб қиларкан. Бутун ҳаётини бирма-бир ёдга оларкан. Алҳусус, бургут ўзини қояларга уриб ҳалок бўларкан. Шунда қоялар оралиб мунгли бир нидо янграб ўтармиш. Довонда ҳаёт кечирувчи подачилар яхши билишарканки, бу бургутнинг сўнги парвози, сўнги нидоси...

Бу афсонани бир вақтлар менга Майиз отам айтиб берганди. Ажаб, қарангки, унинг ўзи ҳам бургутдек ҳаёт кечирди. Бургут жамийки паррандалар орасида энг жўмард жонзот. Мағрур ҳаёт кечириб, шундай ҳалок бўлади. Ана шундай бургуттабиат, жўмард инсон – Майиз отам 1995 йил 8 апрель куни ўзининг сўнги парвозига чиқди. Дафн маросимига йиғилганлар орасида ўзбеклар, руслар, украинлар, татарлар каби кўп миллат вакилларини учратиш мумкин эди. У ана шундай дўстибадавлат инсон эди. Ҳаётда шундай пайтлар бўларканки, дин, миллат, қавм, тил ҳеч қандай аҳамият касб этмай қоларкан.

Орифжон **ОДИЛОВ**,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Зиё чашмаси

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институтини

Бош муҳаррир Абдукарим **ШАРИПОВ**

Тахририятга келган хатлар таҳлил
этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил
26 декабрда 06-017 рақами билан
рўйхатга олинган.

Босишга топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев.

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институтини.

«Jizzax-Print»
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili:
Jizzax shahri, 130100.
Sayiljoyi ko'chasi,
4-uy.

Офсет усулида 6700 нусхада босилди.
Буюртма № Shaki-A-3.